

УДК 37.037.1(075)

КУРАШ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ТУТГАН ЎРНИ

Беков Дилшод Ҳайтбоевич

ТИҚХММИ МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш
институти Ижтимоийгуманитар фанлар,
жисмоний маданият ва спорт кафедраси ассистенти
bekovdilshod9@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада кураш спорт турининг тарихи, хорижий давлатларда ва Ўзбекистонда яратилган шароитлар, курашнинг асосий қоидалари, спортнинг аҳамияти, халқаро майдондаги ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: кураш; спорт; жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш; оммавий спорт; Халқаро ҳаваскорлар кураш федерацияси.

НАЦИОНАЛЬНЫЙ ВИД СПОРТА КУРАШ, ЗАНИМАЕМОЕ МЕСТО В МЕЖДУНАРОДНОЙ АРЕНА

АННОТАЦИЯ

В статье приводятся сведения об истории спортивной борьбы кураш в зарубежных странах и Узбекистане, созданных в них условиях, основных правилах борьбы, значении этого вида спорта и его месте на международной арене.

Ключевые слова: борьба; спорт; воспитание физически здорового поколения; массовый спорт, Международная федерация любительской борьбы.

WRESTLING ON THE INTERNATIONAL SQUARE OF THE NATIONAL SPORT POSITION

ABSTRACT

The article provides information about the history of the sport of wrestling, the conditions created in foreign countries and Uzbekistan, the basic rules of wrestling, the importance of the sport; its place in the international arena.

Keywords: wrestling; sports; physically healthy; upbringing, mass sports; International Amateur Wrestling Federation.

КИРИШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 15 февралдаги Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги фармони мамлакатимиз спорти ривожига янги даврни бошлаб берди. Фармонга биноан, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил қилинди. Аҳоли кенг қатламини спорт билан шуғулланишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, шаҳар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари ва мусобақалар ўтказиш, Миллий олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар ва ассоциациялар билан биргаликда истедодли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини ошириш, кадрлар тайёрлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди [1].

Кураш - спорт тури, белгиланган қоидага мувофиқ икки спортчининг яккама-якка олишуви. Курашиш санъати кўп халқларда қадим замонлардан буён маълум. Кураш айниқса Юнонистонда кенг тарқалиб, қадимги олимпиада мусобақаларидан доимий ўрин олиб келган. Миллий Курашнинг хилма-хил кўринишлари Греция, Италия, Япония, Туркия, Эрон, Афғонистон, Россия, Ўзбекистон, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда мавжуд [3].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Замонавий спорт курашининг асосий қоидалари 18-аср охири 19-аср бошларида Европанинг бир неча мамлакатларида ишлаб чиқилди. 1912 йил Халқаро ҳаваскорлар кураш федератсияси тузилди (ҳозир унга 144 мамлакат, Ўзбекистон 1993 йилдан аъзо). Халқаро майдонда спорт Курашининг юнонрум кураши, эркин кураш, дзюдо, самбо ва бошқа турлари кенг тарқалган. Кейинги йилларда ўзбек Кураши ҳам алоҳида Кураш тури сифатида дунё миқёсида тан олина бошланди. Кураш инсонни кучли, эпчил, чидамли ва иродали қилиб тарбиялаш воситаларидан бири ҳисобланади. Шифокорлар назорати остида 12 ёшдан Кураш билан шуғулланишга рухсат этилади. Кураш азалдан ўзбек турмуш тарзининг узвий қисми бўлганлигини археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар тасдиқлайди. Қадимги Бақтрия (Ўзбекистон жанубий) ҳудудидан топилган жез даврига оид цилиндрсимон сопол идишда икки полвон ва улардан бири иккинчисини чалаётгани тасвирланган. Шу даврга мансуб бошқа археологик топилмада эса полвонларнинг Кураш усулларини намоиш

қилаётгани акс этирилган. Бу ноёб топилмалар милoddан 1,5 минг йил илгари ҳам Кураш аждодларимиз турмуш тарзининг бир қисми бўлганидан далолат беради. Юнон ёзувчиси Клавдий элиан (2-3-аср) ва бошқа тарихий шахсларнинг ёзишича, шу худудда умр кечирган сак қабиласи қизлари ўзларига куёвни йигитлар билан курашиб танлаганлар. Кейинчалик қизлар куёвни шарт кўйиш йўли билан аниқлашган ва бу шартда Кураш мусобақаси бўлган [21]. Бунга ўзбек халқ қахрамонлик достони - «Алпомиш»даги Барчин шартларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида ёзган: «Курашнинг турлари ҳам бор Улардан бири икки курашувчининг бири ўз рақибининг белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга ўз рақибдан қутулишнинг чорасини қилади...». Бу таъриф замонавий Кураш қоидаларига яқиндир. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Алишер Навоийнинг «Ҳамса», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувват-номаи султоний», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида Кураш ҳақида қимматли маълумотлар бор. 9-16-асрларда Кураш халқ ўртасида кенг оммалашган. Шу даврда Паҳлавон Маҳмуд, Содик полвон қабилар Кураш довуғини оширишган [5].

Ўзбек халқ якка курашининг белбоғли кураш деб номланган тури ҳам бор. Унга ҳам тааллуқли кўплаб археологик топилмалар ва тарихий қўлёмалар мавжуд. Бундан 5 минг йил илгари даврга мансуб қадимги Месопотамия худудидан топилган ҳайкалчада белбоғли кураш усулида мусобақалашаётган полвонлар тасвирланган. Хитойнинг қадимги «Тан-шу» қўлёмасида Фарғона водийсида тўйлар, сайллар Кураш мусобақаларисиз ўтмаслиги ёзилган. Аҳмад Полвон, Хўжа полвон ва шу каби Курашнинг ана шу турида шуҳрат қозонишган (19-аср охири - 20-аср боши). Чоризм истилоси ва шўролар даврида ўзбек миллий Курашини халқ турмуш тарзидан сунъий равишда сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинди.

20-асрнинг 90-йиллари охирига келиб бу уринишларга барҳам берилди. 1991 йилда курашчилар сулоласи вакили, бир неча Кураш турлари бўйича халқаро миқёсда спорт устаси Комил Юсупов ўзбекча Курашнинг халқаро андозаларга мосланган куйидаги қоидаларини ишлаб чиқди: Кураш тушувчилар 14x14 м дан 16x16 м гача бўлган, четроқ қисми қизил рангли «хавфли чизик» билан белгиланган кўк-яшил тусли Кураш гиламида тик турган ҳолатда беллашадилар. Ғолиб ишлатилган усуллар ва майдондаги ҳатти-ҳаракатларига қўйиладиган баҳоларга қараб аниқланади. Курашда бўғиш,

рақибга оғриқ берувчи усуллар қўллашга рухсат этилмайди, курашувчиларнинг бири кўк, иккинчиси яшил рангли ятак (аёллар ятак ичидан оқ рангли футболка) кияди, белга эни 4-5 см ли тасма (белбоғ) боғланади, эркақлар 60, 66, 73, 81, 90, 100 кг ва 100 кг дан зиёд, аёллар 48, 52, 57, 63, 70, 78, ва 78 кг дан зиёд вазн тоифаларида курашадилар (болалар, ўсмирлар, ўспиринлар, ёши улуғлар ва қизлар мусобақаларида ҳам ёш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда вазн тоифалари белгиланади). Халқаро кураш ассотсиатсияси (ИКА)нинг 2003 йил Тошкентда ўтган конгресси ҳар бир учрашувнинг қизғин бўлишини таъминлаш мақсадида расмий мусобақаларда беллашув вақтини 3 минут қилиб белгилади. Ишлатилган усулларга бажарилишига мос равишда «чала», «ёнбош», «ҳалол» баҳолари, қоидага зид ҳаракатларга эса «танбех», «дакки», «ғирром» жазолари берилади. Курашувчи «ҳалол» баҳосини олса (ёки рақиб «ғирром» билан жазоланса) бу унинг ғалабасини билдиради. Икки бор «ёнбош» баҳосини олиш (ёки рақибнинг икки бор «дакки» дея жазоланиши) ҳам ғалабани англатади. «Чала» баҳолари ҳисобга олиб борилиб, баҳо олган курашчига ғалаба берилади, курашчиларнинг баҳо ва жазолари сони тенг ҳолатда баҳо устунликка эга бўлади, жазолар сони тенг бўлса охирги жазо олган мағлуб ҳисобланади, агар барчаси тенг (ёки баҳо ва жазо олинмаган) бўлса, голиб ҳакамларнинг кўпчилик овозига кўра эълон қилинади. 1992 йилда Ўзбекистонда кураш федератсияси, 2001 йилда Ўзбекистонда белбоғли кураш федератсияси тузилди. 1998 йил сентябрда Тошкентда 28 давлат (АҚШ, Боливия, Буюк Британия, Голландия, Россия, Ўзбекистон, Япония ва х.к.) вакиллари Халқаро кураш ассотсиатсияси (ИКА) муассислари бўлишди ва шу муносабат билан бу ерда ўзбекча Кураш бўйича йирик халқаро мусобақа ўтказилди [9]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони (1999 йил 1 феврал) ўзбек миллий Курашининг янада ривожланишига тurtки бўлди. Ўша йили Тошкентда ўзбекча Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати, Россиянинг Брянск шаҳрида аёллар ўртасида халқаро мусобақа бўлиб ўтди. ИКА қошида Халқаро Кураш академияси, Бутун жаҳон Курашни ривожлантириш жамғармаси тузилди, ассоциация муассислигида «Кураш» журнали таъсис қилинди. Адабий-бадий, ижтимоий-публицистик, ахборот-реклама йўналишидаги бу журнал Тошкентда 1999 йил октябр ойидан буён нашр этилади. 2000 йил Ўзбекистонда Кураш ойлиги ўтказилди. Бу ойлик давомида 2 миллионга яқин киши Кураш гиламига чиқди. Буюк Британияда ИКА фахрий президенти Ислом Каримов номидаги анъанавий халқаро мусобақага асос

солинди. 2001 йилдан Халқаро Кураш интитути (Тошкентда) фаолият кўрсата бошлади. ИКА га 66 та миллий федератсия аъзо бўлиб кирди (2003). Европа, Осиё, Панамерика ва Океания Кураш конфедерациялари тузилди. Ҳозирги пайтда ўзбекча Кураш билан хорижий мамлакатларда 600 мингдан зиёд киши шуғулланади. Курашнинг бу тури бўйича жаҳон, қита ва мамлакатлар чемпионатлари ҳамда биринчиликлари, Ўзбекистонда ат-Термизий, Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган ва бошқа кўплаб халқаро мусобақалар мунтазам ўтказилади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 22 та олимпиада ўринбосарлари мактаби, 37 та болалар-ўсмирлар спорт мактаби ва 206 та Кураш мактабида спортнинг бу тури бўйича ўқувчиларга таҳсил берилади. Олий ўқув юртларида 100 дан ортиқ Кураш тўғараклари фаолият кўрсатади. Курашчилар билан 851 нафар мураббий шуғулланади (2003). Осиё олимпия кенгаши 2003 йилда Курашнинг бу турини Осиё ўйинлари дастурига киритди. Кураш бўйича ўтказилидиган жаҳон чемпионатларида Баҳром Аназов, Исоқ Аҳмедов, Махтумқули Маҳмудов, Камол Муродов, Тоштемир Муҳаммадиев, Ақобир Қурбонов (Ўзбекистон), Кубашхоним элқнур, Селим Тотар ўғли (Туркия), Александр Катсураги, Карлос Хонорато (Бразилия), Павел Мелананетс (Полша), Хироёши Кашимото (Япония) ва бошқалар ғолиб чиқдилар ва совриндор бўлдилар [23].

Курашнинг Осиё ўйинлари дастурига киритилгани расман эълон қилинди

Кураш XVIII Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. Бу ҳақда Осиё Олимпия кенгаши Бош ассамблеясида эълон қилинди.

Курашнинг 2018 йили Индонезияда бўлиб ўтган XVIII Осиё ўйинлари дастурига киритилгани расман эълон қилинди, деб хабар қилди ЎЗА. Бу ҳақда Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Ёпиқ иншоотда жанг санъатлари бўйича ўтқазилган Осиё ўйинлари доирасида кураш расман Осиё Олимпия кенгаши Бош ассамблеясида эълон қилинди.

Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов соврини учун Шаҳрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди. 1992–1998 йилларда Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, Америка, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг намоиш қилинди.

Жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябр куни ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди. Осиё, Европа ва Американинг 28

давлати вакиллари иштирокида ўтказилган таъсис конгрессида кураш халқаро ассоциациясига асос солинди [8,10].

«Осиё олимпия кенгаши томонидан ҳар тўрт йилда ташкил этиладиган ва қитъа олимпиадаси сифатида эътироф этилган ёзги Осиё ўйинлари нуфузи ва аҳамияти жиҳатидан Олимпия ўйинларидан кейинги муҳим мусобақадир. Унда қитъамизнинг деярли барча мамлакатларидан минглаб спортчилар иштирок этади. Шу боис мазкур ўйинлар дастуридан жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга, барча қитъаларда ривожланиб бораётган спорт турлари жой олади, — деди кураш халқаро ассоциацияси матбуот котиби Жамшид Намозов. — Курашнинг XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилиши бу йўналишда залворли қадам қўйилганидан, унинг халқаро спорт ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганидан далолатдир» [3].

XVIII ёзги Осиё ўйинларида кураш мусобақалари саккизта вазн тоифасида бўлиб ўтди. унга кўра Эркаклар 66, 73, 81, 90 килограммгача, 90 ва ундан ортиқ, хотин-қизлар эса 52, 63, 78 килограммгача вазн тоифасида ғолиблик учун беллашдилар.

Улар буров, қайирма, қайтарма, чала-қайтарма, ёнбош, илиш, тўсиш, айлантириш (тегирмон), улоқтириш, чап тиззага миндириб ташлаш (бетга ташлаш), босма, чайқатиш (силташ), кифтлаш, кўшала-ёнбош, тўғанок. чалиш атамалари ва бошқа бир қанча амаллар азалдан қўлланган. Ана шу номлар узок, йиллик изланишлар натижасида тикланган бел олиш кураши амалларининг бир қисмидир. Аммо улар қачон ва қайси даврдан шундай номлангани малум эмас.

Албатта, бу номлар туркий сўзлар бўлгани боис ҳозиргача бир қанча туркий миллатларда, айниқса, уларнинг энг кўпи Марказий Осиё давлатларида сақланиб қолган. Ўзбекларда кураш илми китоби бўлганини қуйидаги манбадан билса ҳам бўлади: “1937 йил “Тулистон” журналида “Кураш ҳадиси” — кураш илми ҳақида бир парча элон қилинган. Ўша даврда журнал лотин имлосида босилган бўлиб, унда шундай дейилади: “Кураш ҳадисини пухта билган фарғоналик Хожимат полвоннинг айтишича, бел олиш курашида қўлоқ билан бел кучигина иш беради, полвонлар кучни учга бўлиб қарайдилар:

– суяк кучи энг асосий куч ҳисобланиб, чандир ва пайларнинг пишиқлигига боғлиқ. 20-25 ёшли полвонларда бу куч яхши натижа беради. Суяк кучи семиришни кўтармайди, полвонлар семирса, курашдан қолади.

– мускул кучи бўлиб, суяк кучи ҳам шу мускул кучидан айри нарса эмас, лекин полвонлар буни яхши фарқлайди. Гўшт кучи 25-50 ёшли одамлар орасида ривожланиб, полвон узок йил кураш тушолмайди. Лекин кўп машқ

қилиб, курашиб ўзини пишитганлар умрининг охиригача полвонлик қилади. Аксар машхур полвонлар шу гуруҳдан чиқади, дейишади.

– белбоғ кучи 18-20 ёш орасида бўлиб, бу полвонлар тез сўниб қолади [11].

ХУДОСА

Шуни такидлаш лозимки кураш бизнинг ота боболаримиздан бизга мерос бўлиб келмоқда ва юртимизда краш спортга этибор ва қизиқиш кундан кун ошиб бу ўз натижасини бериб ўзбек спортчилари халқаро майдонларда юртимиз байроғини юқорига кўтарилишига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар юртимизда кураш заллари ва мактаблари салмоғи бир мунча ошгани бунинг яқол исботи сифатида кўринади.

REFERENCES

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 15, 2017 No. PF-4956
1. AA Dilloevich, Prospects for the development of national wrestling in Uzbekistan
2. "On measures to further develop physical culture and sports" of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. May 27, 1999.
3. Matveev L.K. Mass physical culture in VUZe (uchebnoe posobie dlya vuzov). M.: Vo`sshaya shkola. 1991.
4. Imamov MP "Formation of professional culture of students in professional colleges" // Journal of school and life 2012-№2 B page 26
5. Koshbaxtieva I.A. Osnov fizicheskogo sovershenstvovaniya studentov. Textbook for teachers and students of universities. T.: 1991.
6. Abdurasulova G.B., Nuritdinova Sh.N., Tajibaev S.S. Theory and methodology of Taekwondo. Textbook. Tashkent - 2015.
7. Glebov E.I. Taekwondo. Osnovy olimpiyskogo sparringa /E.I. Glebov, Choy Sung Mo. - Rostov-on-Don: Phoenix, 2002.
8. Li Chjon Ki. Texniko-takticheskie characteristics of sorevnovatelno-go sparringa in taekwondo VTF: Dis kand. ped. science. –M., 2003.
9. Computer program "Determination of special physical training of highly qualified boxers (CPUDERG-4)" created by Khalmuhamedov RD, SS Tajibaev Programs for electronic machines of the Republic of Uzbekistan
10. Ayrapetyants L.R. Volleyball // Textbook for high school students. T.: Dice pen. 2006. - 240 p.

-
11. Belyaev A.V., Savin M.V. Volleyball. // Uchebnik dlya studentov vuzov FK. M.: TVT, 2009. - 368s.
 12. Jeleznyak Yu.D. Volleyball: The source of mastery. Uchebno-metodicheskoe posobie d / prochix vidov obucheniya. ISBN 978-5-8183-0001-6, 1998.- 323s.
 13. Sukhanov A.V., Fomin E. V., Bulykina L.V. Prynuchest and pryzhkovaya podgotovka voleybolistov. Methodical manual. № 10. - M., 2012, - 24s.
 14. Marchenko VM. Methodology for improving the technique of weightlifters: the teaching method: theme "Basic means of training and methods of their application": VV. Marchenko, VN. Rogozyan, DV. Popov. Krasnodar, 2002; 117.
 15. Matkarimov RM. Weightlifting: Textbook for institutes of physical culture. Tashkent, 2005; 384.
 16. Oleshko VG. Features of time and angular characteristics of equipment of weightlifters of different qualifications: Weightlifting. Moscow, 1982;
 17. Chernyak AV. Criteria of technical readiness: Methodology for training a weightlifter. Moscow, 1978; 23-26.